

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.02/30.12.2019.В.79.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БАБАДЖАНОВА ШИРИН КАДАМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛ ЗОНАСИДА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРНИНГ
ТУПРОҚ УНУМДОРЛИК ВА МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ
ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус -2020

**Биология фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабаджанова Ширин Кадамовна

Ўзбекистон чўл зонасида дуккакли экинларнинг тупроқ
унумдорлик ва маҳсулдорлигига таъсирини экологик баҳолаш.....3

Бабаджанова Ширин Кадамовна

Экологическая оценка влияния бобовых культур на
продуктивность и плодородие почв в условиях
пустынной зоны Узбекистана.....21

Babadjanova Shirin Kadamovna

Ecological assessment of the impact of legumes on soil productivity
and fertility in the desert zone of Uzbekistan.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....41

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.02/30.12.2019.В.79.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БАБАДЖАНОВА ШИРИН КАДАМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛ ЗОНАСИДА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРНИНГ
ТУПРОҚ УНУМДОРЛИК ВА МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ
ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус -2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/В455 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.aknuk.uz) ва «Ziyo Net» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Асенов Гаппар Асенович**
биология фанлари доктори, профессор
Халманов Нурали Тошқуватович
кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.02/30.12.2019.В.79.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” __ соат ____ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шоҳ кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали.Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2020 йил “__” ____ да тарқатилди.
(2020 йил “__” даги ____ рақамли баённомаси)

Аимбетов Нагмет Каллиевич

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
академик, и.ф.д., профессор

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф. PhD

Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, ф-м.ф.д.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Бутун дунё бўйича замонавий экологиянинг асосий муаммоларидан бири агроген ва техноген таъсирларнинг ортиши натижасида агроэкоотизимда тупроқ унумдорлигининг пасайишидир. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни экологик ва агрокимёвий ҳолатини яхшилаш, худудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос экинларни жойлаштириш ва юқори ҳосилдорликни таъминлаш, унумдорликни сақлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, ерлардан самарали фойдаланиш ва агроэкоотизимнинг экологик мувозанатини яхшилаш мақсадида қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида такрорий экин сифатида дуккакли экинларни етиштириш усулларини самарадорлигини ўрганиш агроэкология соҳасида муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида деградацияга учраган ерларни камайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва экологик ҳавфсиз бўлган юқори самарали биологик усуллардан фойдаланиш, сифатли ҳосил олиш усулларини ишлаб чиқишга бағишланган кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида алмашлаб экиш тизимида дуккакли дон экинларини алоҳида ҳамда бошқа дон экинларига қўшиб экиш усули орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш ва етиштирилаётган экинларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича тажриба маълумотларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Республикада деградация жараёнларини олдини олиш, турли тупроқ-иқлим шароитларига мос экинларни танлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва самарали фойдаланиш соҳасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹“...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қишлоқ хўжалиги объектларини ривожлантириш” бўйича вазифалар белгилаб берилган. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, Жанубий Оролбўйи худудида тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси” ги Фармони, 2017 йил 14 мартдаги ПФ-2832 сонли Фармонига кўра «2017-2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш, соя ва бошқа дуккакли экинларни ўстиришни ташкил этиш чора тадбирлари тўғриси»даги, ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда мазкур вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаш, барқарорлаштириш ва умумий биологик маҳсулдорликни ошириш учун қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимини жорий қилишда дуккакли-дон экинларни етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Department of Agriculture (USDA), State University of New Mexico(АҚШ), Cotton Scientific-Research Institute (Хитой), Institute of Plant Genetics and Agronomy (Покистан), Agricultural University (Ҳиндистон), Scientific-Research Institute of Cotton Growing (Австралия), Ўсимликлар физиологияси институтида (Россия)² амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг турли ҳудудларида тарқалган шўрланган тупроқларнинг хоссалари, мелиоратив ҳолати, унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш борасида кенг кўламдаги тадқиқотлар Л.Т. Турсунов, Б.С. Мамбетназаров, Л.А. Гафурова, Г.И. Джуманиязова, Х.С. Нарбоева, Б. Жоллыбеков, А.У. Ахмедов, А.Ж. Исманов, М.С. Саидова ва кўплаб бошқа олимлар томонидан амалга оширилган. Агроландшафтлар экологияси доирасидаги кўп йиллик тадқиқот тажрибаларига қарамасдан, олимларнинг бу мавзуга бўлган қизиқишлари ўз долзарблигини йўқотмаган. Ҳозирги кунгача Хоразм вилояти агроландшафтларида шўрланган тупроқлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети ҳамда Германиянинг Бонн университетининг Ривожланиш тадқиқотлари маркази (ZEF №40200ВМВФ) ҳамкорлигидаги «Хоразм вилоятида ер ва сувдан фойдаланишнинг иқтисодий ва экологик қайта қуриш» мавзусидаги (2009-2012 йй) халқаро лойиҳаси, Марказий Осиё ва Кавказ бўйича Худудий Дастур доирасидаги қурғокчил ҳудудларда қишлоқ хўжалик тадқиқотларини Халқаро Маркази ИКАРДА-ЦАЗ № 200001 сонли “Орол денгизи ҳавзасида интеграллашган ер ва сувдан фойдаланишнинг унумдорлигини яхшилаш бўйича тадқиқотларни ўтказиш” (2015-2018 йй) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Хоразм вилояти шароитида дуккакли экинларнинг тупроқ унумдорлик ва маҳсулдорлигига таъсирини экологик баҳолашдан иборат.

²<http://www.arc.sci.eg>,<http://www.ipaperu.org>,<http://www.njau.edu.cn>,www.ars.usda.gov,
<http://www.bio.davidson.edu/people/kab/sem/2002/stress/Salinity>

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм вилояти агроценозида тупроқ унумдорлигини оширувчи экологик ҳолатини баҳолаш;

Жанубий Оролбўйи ҳудудида деградацияга учраган ерларни экологик тоза ва соғлом тупроқ ҳолатига келтириш учун кўп компонентли дуккакли экин майдонларини яратиш;

ўрганилган омилларни барг сатҳи индекси ва биомасса тўплашига таъсирини баҳолаш;

дуккакли экинларни етиштиришда тупроқларнинг экологик хусусиятлари ва чиринди миқдорига таъсирини таҳлил қилиш;

экологик тоза, ҳавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти: Ўзбекистон Республикаси давлат реестрига киритилган мошнинг “Радость” ва соянинг “Орзу” навлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Хоразм вилояти шароитида дуккакли экинларнинг ўсиши, ривожланиши, тупроқ унумдорлиги ва маҳсулдорлигини оширишга таъсири бўйича таҳлиллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида экологик, агротехнологик, омилларни таҳлил қилиш, ГИС дастури ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дефляция ўчоғи бўлган чўл тупроқларида тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларни қайта тиклаш омили сифатида, кўп компонентли дуккакли экинларни етиштириш самарадорлиги аниқланган;

агроценозларнинг шўрланган тупроқларга адаптив потенциали, суғориш ва табиий намлик шароитида фитомелиорация қилиш имкониятини очиб берилган;

илк бор агроген ифлосланган тупроқ пайдо бўлишнинг асосий сабаблари, уларни бартараф этиш ва унумдорлигини тиклаш усуллари ишлаб чиқилган;

агроценозларда экологик вазиятни яхшилаш омили сифатида ресурс тежамкор технологиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тупроқ горизонтлари бўйича озуқавий моддалар динамикаси экологик мониторинг қилиниб, Хоразм вилояти ҳудудидаги тупроқларнинг ҳолатини экологик баҳолашда интеграл тавсифлар ишлаб чиқилган;

тупроқ емирилишини олдини олиш ва оқибатларни бартараф этишда ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланилган, агроэкотизимга самарали фаолият кўрсатувчи амалий критерийлари ишлаб чиқилган;

дуккакли экинларни тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олинган янги маълумотлари лойиҳалаш институтлари ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида шўрланган ерларни фитомелиорация қилишга тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Хоразм вилояти шароитида дуккакли экинларнинг тупроқ унумдорлик ва маҳсулдорлигига таъсирини экологик баҳолашда замонавий экологик усуллардан фойдаланилганлиги ва олинган натижалар индексланган халқаро маълумотлар базасидаги журналларда нашр қилинган, экологик жараёнларни ўрганиш масаласида етакчи мутахассислар томонидан муҳокама қилинган. Илмий натижалар статистик ва ахборот дастурлари ёрдамида таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган маълумотлар асосида агроценозларнинг шўрланган тупроқларга нисбатан адаптив потенциали, суғориш ва табиий намлик шароитида фитомелиорация қилиш имкониятини яратиш билан изоҳланади. Хоразм вилояти агроценозида тупроқ унумдорлигининг экологик ҳолатини баҳолашда, экологик мониторинг дастурини ишлаб чиқишда дуккакли экинлардан биоиндикатор сифатида фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти, олинган натижалар минтақанинг барқарор ривожланиши нуқтаи назардан Жанубий Оролбўйи ҳудудларида табиий ва антропоген экотизимларни бошқариш дастурларини тузишда фойдаланилади. Натижалар табиий муҳит компонентлари ҳолатини башоратлаш, бошқариш бўйича ишларни режалаштиришда самарали фаолият кўрсатувчи агроэкотизимларнинг амалий асосларни ишлаб чиқишда кенг фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон чўл зонаси шароитида дуккакли экинларни тупроқ унумдорлиги ва маҳсулдорлигига таъсирини экологик баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

агроценозларнинг шўрланган тупроқларида фитомелиорация қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Қўмитасида экологик мониторинг дастурларини ишлаб чиқишга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Қўмитасининг 2020 йил 8 октябрдаги 02/18-7-1870 сон маълумотномаси). Натижада, Жанубий Оролбўйи минтақасида фитомелиорация қилиш чоратadbирлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастурий тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

агроценозларнинг шўрланган тупроқларнинг адаптив потенциали Жанубий Оролбўйи экотизимида тупроқларда кечаётган деградация жараёнларини бартараф этиш ва унумдорликни тиклаш усуллари Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Қўмитасида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Қўмитаси 2020 йил 2 октябрдаги 425 сон маълумотномаси). Натижада, табиий муҳитнинг ўзгарувчан шароитида энг муҳим таркибий қисмларининг ҳолатини башорат қилиш ва Ўзбекистон чўл зоналарида тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш мақсадида самарали фаолият кўрсатувчи дуккакли экинларни етиштириш бўйича амалий асосларни ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш имконини берган;

агроценозларда экологик вазиятни яхшилаш, агроэкоцизмларда самарали фаолият кўрсатувчи амалий критериялар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятида тупроқлар мониторинги дастурини ишлаб чиқишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йили 10 октябрдаги 02/020-3243 сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси чўл зоналарида тупроқ унумдорлигини ошириш учун дуккакли экинларни етиштиришни ташкил этиш бўйича тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 12 та жумладан 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.


Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 127 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусини долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган бўлиб, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертациянинг **“Антропоген босим остида агроэкоцизмнинг экологик ҳолатини оптималлаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида тупроқ унумдорлигини пасайиши, тупроқ деградацияси, ерларни кенг қўламли издан чиқиши билан боғлиқ экологик муаммолари, тупроқ ресурсларини муҳофаза қилишнинг доир масалалар адабиётлар шарҳида ёритилган. Антропоген таъсирнинг доимий ўсиб бориши ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга тобора ортиб бораётган талабни қондириш зарурати шароитида қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва барқарор фойдаланиш ҳозирги замон экологиясининг асосий муаммоларидан биридир. Аҳолининг оқсилга бўлган талабини қондириш, озуқа оқсили муаммосини тўла ҳал этиш мақсадида кам ҳаражат сарфлаб, юқори маҳсулдорликка эришиш ва инсон саломатлигини қўллаб-қувватлаш учун озиқ овқат технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **“Хоразм вилояти тупроқ унумдорлигига дуккакли экинларни таъсирини ўрганиш бўйича материаллар, усуллар ва**

тадқиқотлар ҳажми” деб номланган иккинчи бобида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот объекти, материаллари ва тадқиқотнинг методик услублари тақдим қилинган. Тадқиқотларимиз 2009-2019 йилларда Хоразм вилоятининг Урганч тумани ҳудудларида ўтказилган (1- расмга қаранг).




1 -расм. Хоразм вилоятининг Урганч тумани ҳудудида дала таъриба майдонининг кўриниши (2009– 2019 йй.)

Хоразм вилояти Ўзбекистон Республикасининг шимолий-ғарбий қисмида Амударёнинг чап ва ўнг қирғоқларида жойлашган бўлиб, 41.13°-42.02° шимолий кенглик, 60.05°-61.39° ва шарқий узунлик оралиғида, 6200 км² майдонни эгаллайди, шундан 270000 га суғориладиган ерлардир.

Вилоят ҳудудида ўртача қумоқли тупроқлар ер фондининг 30 фоизини ва енгил қумоқлилар 22 фоизни ташкил этади. Енгил қумоқли тупроқлар майдони Урганч туманида 37 фоизни ташкил қилади.

Хоразм вилоятида тарқалган асосий тупроқ ўтлоқи аллювиал ҳисобланиб, умумий майдоннинг 61 фоизини қоплайди. Қолган майдонни бошқа типдаги тупроқлар эгаллайди: ботқоқ-ўтлоқ (16%), тақир-ўтлоқ (15%), ботқоқ (5%), бўз-қўнғир ва тақир (2%).

Хоразм вилоятида сизоб сув сатҳи ер юзасига жуда яқин жойлашуви 1,25 м чуқурликда бўлиб, соянинг вегетация даври мобайнида (июль ойида) кузатилади. Вегетация охирига келиб каналларга келадиган сув ёпилгандан сўнг сизот сув сатҳи 1,82 метргача пасаяди. Қиш ойларида унинг сатҳи 2 м чуқурликдан ҳам пасаяди. Сизобнинг критик сатҳи 1,5 м ташкил этади. Хоразм вилоятида сизоб сувининг минерализацияси 1,0-3,0 г/л тенг бўлиб, эвапотранспирация юқори бўлган пайтларда минераллашган сизот сувлари капиллярлар орқали тупроқнинг юқори қатламларига кўтарилади ва унинг шўрланишига сабаб бўлади. Бу жараён вилоятнинг 60% тупроқларига ўз таъсирини кўрсатган (2- расмга қаранг).



2-расм. Тажриба даласида сизот сатҳи ва минерализацияси

Тадқиқотларга кўра, қуйи Амударё тупроқларида хлор миқдори кўпроқ бўлиб, хлорли-сульфатли шўрланиш тури кўпчилик тупроқларга мансубдир. Бизнинг тадқиқотларимизда 2009-2010 йил июль ва август ойларида сизот сув сатҳи 1,5-2,0 метр оралиғида бўлиб, минерализацияси 2,8 г/л дан 3,4 г/л гача ортганлиги қайд этилди (2-расм). Тупроқларнинг сув режимини тартибга солиш бутун вегетация даврида илдиз қатламида етарли миқдордаги маҳсулдор намликни сақлаб туриш учун зарур.

Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти агроценозларида тупроқ унумдорлигини экологик баҳолаш” деб номланувчи учинчи бобида тупроқнинг шўрланиш сабаблари ва Хоразм воҳасининг суғориладиган ерларининг ҳозирги ҳолати ўрганилган. Ерларни деградацияга учрашининг асосий сабабларидан бири табиий-иқлимий ва инсон фаолияти бўлиб, улар ерларни чўлланишигача олиб келади. Барча географик зоналарда Жанубий Оролбўйи минтақасининг тупроқ қопламига ва экотизимига антропоген таъсир кучайиб бормоқда. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик атроф-муҳитнинг салбий ўзгаришига ва қайтмас ҳолатларга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тажриба майдонининг гранулометриқ таркибида йирик чанг кўпроқ бўлиб, кейинги ўринларни қум ва майда чанг эгаллайди (1-жадвалга қаранг)

Жадвал 1**Тажриба майдони тупроғининг гранулометриқ таркиби**

Қатлам, см	Тупроқ фракциялари, мм							
	1- 0,25	0,25- 0,1	0,1- 0,05	0,05- 0,01	0,01- 0,005	0,005- 0,001	<0,001	<0,01
0-30	7,6	5,5	19,4	37,00	7,8	11,9	10,08	30,05
30-50	5,10	4,14	23,27	41,70	7,15	9,48	9,16	25,79
50-70	3,86	5,18	22,03	42,44	6,24	8,93	11,33	26,49
70-100	0,32	1,37	12,16	22,84	17,18	29,83	13,60	45,36

Йирик чанг ва кум фракцияларининг хоссалари бир-бирига яқин ҳисобланади. Тажриба майдони тупроғининг механик таркиби енгил (0-50 см) ва ўрта кумоқ (50-100 см), ҳажм оғирлиги ҳайдов қатламида 1,26 г/см³, пастки қатламлари зичлашган (2-жадвал ҳаволада келтирилган).

Жадвал 2**Тажриба даласи тупроғининг ҳажм оғирлиги**

Қатлам, см	Ҳажм оғирлиги, г/см ³
0-30	1,26
30-50	1,42
50-70	1,38
70-100	1,36

Хоразм вилояти тупроқларининг табиий унумдорлиги паст ҳисобланади. Тупроқнинг 0-30 см ли қатламидаги ҳаракатчан озика моддалар билан таъминланиши ўртачадан камга қараб ўзгаради. Дала тажрибаси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) нинг Хоразм пахтачилик илмий тажриба станцияси (ИТС) далаларида олиб борилди. Тажриба қўйишдан олдин механик таркиби ўрта кумоқ, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус, ялпи азот ва умумий фосфор мутаносиб равишда қуйидагича эди (3-жадвалга қаранг). Жадвалдаги тажриба натижалари шуни кўрсатадики, мошнинг такрорий экин сифатида етиштирилиши натижасида тупроқда гумус миқдорининг ошиши илдиз тизими органик моддаларга жуда бойлиги илдиз атрофидаги микроорганизмлар таъсирида қисқа вақт ичида ўзлаштириб гумусга айланиши билан изоҳланади. Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, соя ва мош экилганда тупроқда гумус 0,43-0,39 % бўлса, кузда амал даври охирида унинг миқдори 0,57-0,59 % га етди. Дуккакли-дон экинларнинг илдиз ажратмалари нитрат, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчи калийга бой бўлиши билан бирга тупроқда ўсимликлар ўзлаштирилиши қийин бўлган моддалар билан реакцияга киришиб, уларни осон ўзлаштириладиган ҳолатга айлантиради. Соя ва мош экилган далаларда тупроқнинг микрофлораси яхшиланади, тупроқда биологик ва тоза экологик

тизим вужудга келади. Тупроқда ризобиум бактерияларнинг фаолияти туфайли бошқа фойдали микроорганизмлар яшаши учун қулай муҳит юзага келади.

Жадвал 3

Тажриба даласининг агрокимёвий хоссалари

Кўрсаткичлар	Тупроқ қатламлари, см			
	0-30	30-50	0-30	30-50
	экишдан олдин		амал даври охирида	
2010 йил				
Гумус, %	0,445	0,438	0,606	0,591
N-NO ₃ мг/кг	4,23	4,05	5,06	4,38
N-NH ₄ мг/кг	5,0	5,03	5,07	4,83
Ҳаракатчан фосфор, мг/кг	15,13	19,33	13,47	14,16
Алмашинувчи калий, мг/кг	120,33	100,45	100,31	90,15
2011 йил				
Гумус, %	0,532	0,375	0,647	0,545
N-NO ₃ мг/кг	6,12	5,83	6,48	6,31
N-NH ₄ мг/кг	5,88	5,07	5,72	5,43
Ҳаракатчан фосфор, мг/кг	16,33	15,48	13,13	11,53
Алмашинувчи калий, мг/кг	110,16	100,64	93,13	96,19
2012 йил				
Гумус, %	0,339	0,382	0,475	0,622
N-NO ₃ мг/кг	5,09	4,29	5,73	4,64
N-NH ₄ мг/кг	2,28	2,31	2,48	2,38
Ҳаракатчан фосфор,, мг/кг	19,11	16,92	15,42	13,98
Алмашинувчи калий, мг/кг	110,24	113,15	100,28	97,24
2010-2012 йиллар бўйича ўртачаси				
Гумус, %	0,438	0,398	0,57	0,59
N-NO ₃ мг/кг	5,25	4,87	5,76	5,11
N-NH ₄ мг/кг	5,39	5,14	5,42	5,21
Ҳаракатчан фосфор,, мг/кг	19,93	17,24	14,06	14,24
Алмашинувчи калий, мг/кг	113,58	104,75	97,91	94,53

Диссертациянинг “Хоразм вилояти шароитида дуккакли экинларни тупроқ унумдорлигига биотик омил сифатида таъсири” деб номланган тўртинчи бобида дуккакли экинларни ботаник кўрсаткичлари, биологияси, ҳаётий омилларга талаби, тупроқ унумдорлигини оширишнинг биотик омил сифатида, ҳамда Хоразм вилояти агроценозларида дуккакли экинларининг биоиндикаторлик хусусияти ўрганилган ва таҳлил қилинган. 2015 йил ноябр

ойидаги БМТ нинг Бош ассамблеясининг 68- сессиясида “Дуккакли-дон экинлар экологик муаммоларни ҳал қилиш ва инсон саломатлигини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшади” деган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун.


Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Ш. Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, воҳа шароитига мос экинларни танлаш каби муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратди, Оролбўйи минтақаларида соя майдонларини кенгайтиришга урғу берилди. Дуккакли экинлар минерал моддаларга бой бўлиб, бошқа ўсимликлар билан солиштирганда, соя таркибида фосфор, калий ва темир миқдори кўп бўлиши билан ажралиб туради. Улар ўзларидан кейин соф табиий азотни қолдириб, тупроқ унумдорлигини оширади ҳамда ердан унумли фойдаланиб мўл-кўл ҳосил етиштириш имкониятини беради.




3- расм. Тажриба даласидаги мош ва соянинг кўриниши

Дуккакли экинларни юқори ҳосилдорлигини таъминлаш кўплаб экологик омилларга боғлиқ бўлади. Уларнинг мақбул даврида ер устки биомассаси яхши тўпланишини таъминлайди. Ҳосилдорлик юқори биомассасининг тўпланишига боғлиқ бўлиб, фотосинтез активлиги қанчалик жадал бўлса, биомасса шунча яхши ривожланади. (Жорий қилиш тизими, 1981). Ер устки биомассанинг тўпланиши бўйича кузатганимизда, энг кўп тўплаган даври (R_4) дуккак ҳосил қилиш даврига тўғри келган. Экинларни шу даврида биомассанинг ўсиш чўққиси ҳисобланади. Пишиш репродуктив давларида БСИ кескин пасайган. Буни ўсимлик баргларини сарғайиши яъни, табиий транслокация жараёни билан изоҳланади.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, вегетация даврида мошнинг ўсиш даври ($P < 0.0001$) ва самарадорликнинг ўзаро таъсири ($P = 0.0003$) статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди (4-расмга қаранг).



4- расм. Мошнинг экиш усуллариининг ўсимлик қуруқ биомасса тўплашига таъсири



5- расм. Мошнинг ўсув даврларида барг сатҳи динамикаси


Дуккакли-дон экинларда симбиотик муносабатларнинг шаклланишида, ўрганилаётган ўсимликлар орасида табиий шароитда илдиз туганаклари шаклланади. Улар ҳаводаги азотни ўзлаштириш хусусиятига эга бўлиб, тупроқни табиий азот билан бойитади. Агарда далага дуккакли экинлар экилмаган бўлса, у ҳолда тупроқда туганак бактериялар учрамайди. Соя мутлақо янги ўсимлик бўлгани учун деярли туганаклар ҳосил бўлмайди. Сояга бошқа экинлар каби туганак бактерияларнинг энг яхши фаол штаммлари бўлган бактериал ўғитлар(нитрагин) билан ишлов бериш дала тажрибаларида синалди. Экишдан олдин уруғлар нитрагин билан ишланиб

экилсагина илдизларида жуда кўп миқдорда туганаклар пайдо бўлади. Тупроқда туганак бактерияларининг ҳаракатини активлаштириш ёки уларни ҳосил қилиш учун туганак бактериялар билан уруғлар ишлов берилди (инокуляция). Уруғ аралаштирилаётганда уларга қуёш нури тик тушмаслиги керак. Ризобиуми бактериялари қуёш нуридан ҳалок бўлади. Нитрагинланган уруғлар 1-1,5 соат давомида брезент билан ўраб қўйилди ва сўнгра экилди. Шунинг учун уруғларни кечкурун қуёш ботиши билан ёки эрталаб қуёш чиқмасидан олдин очиқ ҳавода нитрагинлаш керак. Уруғлар туганак бактериялар билан ишланиб экилганда, биринчидан ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ошади, иккинчидан уларнинг ҳаводан соф ҳолдаги азотни ўзлаштириш қобилияти бир неча баробар жадал кечади. Уруғларни нитрагинлаш натижасида соянинг илдизида кўп сонли туганаклар ҳосил бўлди. Соя донини нитрагин билан инокуляция қилганда ўсимликларни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва асосийси баргларига умуман зараркунандалар тушмаслиги билан характерланади. Таъкидлаш жоизки, дуккакли-дон экинларидан кейин етиштириладиган барча қишлоқ хўжалик экинлари юқори самарадорликка эришилди. Дуккакли экинларни етиштиришда кам ишлов бериш (No till, Mini till), ресурстежамкор технологиялар асосида тупроқ унумдорлигини барқарорлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларидан салмоқли, экологик тоза озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишга эришилди. Дала тажрибаси 4-қайтариқли ва рендомизациялашган тарзда жойлаштирилган. Тажриба маълумотларига SAS 9.2 муҳитида вариацион-статистик ишлов берилди.

Изланишлар натижаларига кўра, нитрагинизация ортиқча меҳнат ва сарф-ҳаражатларни тежайди, ҳосилдорлик ва уруғлар таркибидаги оқсил миқдори ортади. Бунда ўсимликлар яхши ўсиб ривожланади, ҳосил структураси кўрсаткичлари ошади, оқсилга бой ва парҳезбоп дон ҳосилига эришилади. Тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳар қандай давлатни оптималлаштириш ва барқарор ривожлантиришнинг стратегик вазифасидир.

Барг сатҳи индекси (БСИ) - ўсимликнинг ер устки биомассасининг фотосинтез қилишини ифодаловчи муҳим кўрсаткичдир. Шу билан бирга, бу кўрсаткич атроф-муҳит омилларига таъсир қилувчи турли хил ўсимликлар ҳолатининг асосий морфометрик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тажриба натижаларига кўра, ўсимликнинг муҳим кўрсаткичи бўлган барг сатҳи индекси (БСИ) – майсалаш фазасида энг паст кўрсаткичга эга бўлди. Ўсув даврда (V_1), тажриба тузилмасига қараб, бу кўрсаткич 0,53-0,65 m^2/m^2 орасида ўзгариб турди. Кейинги ўсув даврларда шоналаш (V_3) БСИ кескин ортиши кузатилди (1,48-1,67 m^2/m^2). Гуллаш ўсув даврида барг сатҳи БСИ (R_2) 2,29-2,64 m^2/m^2 тенг бўлиб, энг максимал ривожланиш чўққиси (R_4) дуккак ҳосил қилиш даврига 2,64-3,24 m^2/m^2 тўғри келди. У.М. Махмадёроев ва А. А. Чураков (2007) изланишларида ҳам кузатилган. ($N_{30}P_{120}K_{100}$) барча ўсув даврида БСИ пастроқ бўлиб, тажрибанинг иккинчи варианты ($N_{30}P_{120}K_{100}$) нитрагин юқтирган вариантда БСИ юқори бўлди (6-расм).



6- расм. Азот меъёри ва нитрагиндан фойдаланишга боғлиқ ҳолда соя барг юзаси майдонининг ўзгариш динамикаси

Соянинг майсалаш ўсув давридан бошлаб БСИ барча вариантлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан тасдиқланган. Шу билан бирга, N₁₀₀ P₁₂₀K₁₀₀ кг/га фонида БСИ юқори кўрсаткич қайд этилган бўлиб, азотли ўғитлар таъсирида вегетатив ва генератив органларнинг ривожланиши билан изоҳланади.

Хоразм воҳаси шароитида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, кузги буғдой йиғиштириб олингандан кейин такрорий экин сифатида сояни (N₃₀ P₁₂₀K₁₀₀) нитрагин билан инокуляция қилган вариантда дон ҳосили 1,59 т/га, куруқ ер устки биомассаси 2,49 т/га, 1000 дона уруғ оғирлиги 124,9 г тенг бўлди. (4- жадвалга қаранг).

Жадвал 4

Сояни такрорий экин сифатида етиштиришда нитрагинлашни ҳосилдорликка таъсири

Вариантлар	Дуккак узунлиги, см	1 тупдаги дуккаклар сони,дона	1000 дона уруғ оғирлиги, г	Ҳосилдорлик, ц/га.
N ₃₀ нитрагинсиз	4,9b	15,9b	99,5b	14,7b
N ₃₀ нитрагин	5,1a*	18,2a	124,9a	15,9a
N ₁₀₀ нитрагинсиз	5,0b	16,9b	105,5b	14,9b

Шуни таъкидлаш лозимки, $N_{30}P_{120}K_{100}$ кг/га нитрагин билан ишлов берилган вариантда ҳосилдорлик кўрсаткичи ошган. Шунингдек, сояни пишиш ўсув даврида (R_8) куруқ ер устки биомасса, дон ҳосили ва ҳосил индекси аниқланди (5- жадвалга қаранг).

Жадвал 5

Такрорий экин сифатида етиштирилган сояга нитрагин юқтирганда ҳосилдорликка таъсири

№	Вариантлар	Куруқ ер устки биомасса, т/га	Дон ҳосили, т/га	Ҳосил индекси, %
1	N_{30} нитрагинсиз	2,29 ^c (0,08) [§]	1,47 ^b (0,02)	0,47 ^b (0,01)
2	N_{30} нитрагин	2,49 ^b (0,02)	1,59 ^a (0,03)	0,56 ^a (0,01)
3	N_{100} нитрагинсиз	2,86 ^a (0,05)	1,34 ^c (0,02)	0,40 ^c (0,02)

§. Қавс ичидаги сонлар стандарт четланиш.

Натижалар шуни кўрсатадики, соянинг $N_{30}P_{120}K_{100}$ кг /га нитрагинсиз вариантда дон ҳосили 1,47 т/га, ҳосил индекси 0,47 % га тенг бўлди. $N_{30}P_{120}K_{100}$ кг /га нитрагинли вариантда дон ҳосили 1,59 т/га ҳосил индекси 0,12% га ошганлиги аниқланди, бу ерда ҳосил индекси 0,56 % ни ташкил этиб, $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг га нитрагинсиз вариантда дон ҳосили 1,34 т/га ва ҳосил индекси 0,40 % га тенг бўлиши билан изоҳланади. Хоразм вилояти шароитида дуккакли экинларни замонавий усулда етиштиришда биопрепаратни қўллаш ва сарфланадиган харажатларни камайтириш натижасида Ўзбекистон агросаноат мажмуаси ўсимликшунослик соҳасида рентабеллик кўрсаткичлари нисбатан мақбул бўлган ҳамда агроценозларда экологик аҳволни яхшилашга олиб келиши аниқланди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, кузги бошоқли дон экинларидан сўнг ғалладан бўшаган майдонларда дуккакли-дон экинларни (соя ва мош) такрорий ва оралиқ экин сифатида етиштиришни кенг йўлга қўйиш келгусида тупроқларимизнинг унумдорлигини сақлашга ҳамда оширишга хизмат қилади.

Биологик маҳсулотлардан фойдаланиш ҳосилдорликни ошириш, юқори сифатли маҳсулотларни олишни ва агроценозларда экологик вазиятни яхшилашни таъминлайди. Тажрибада нитрагин қўллаш билан бирга экинларни самарали ҳимоя қилиш ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, инсон саломатлиги, озиқ-овқат ҳавфсизлиги ва экологик тоза маҳсулот олишга эришилади. Такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли-дон экинларни иқтисодий самарадорлиги аниқланган (6 жадвалга қаранг).

**Такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли-дон экинларни
иктисодий самарадорлиги**

№	Вариантлар	Дон ҳосили, ц/га	Баҳоси сўм/кг	Ялпи даромад мингсўм /га	Жами ҳаражат, минг сўм/га	Фойда, минг сўм/га	Фойда, ички бозор курс АҚШ/ \$ га
1	Мош- 60 см	12,4	2500	3100	2575	524220	264
2	Соя- 60 см	13,7	3300	4521	2575	1945220	980
3	Соя N ₃₀ нитрагинли	15,9	3300	5247	2775	2471220	1245
4	Соя N ₃₀ нитрагинсиз	14,7	3300	4851	2575	2275220	1146
5	Соя N ₁₀₀ нитрагинсиз	14,9	3300	4422	2832	1589352	801

Ҳосилдорлик ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишининг, фотосинтетик маҳсулдорлигини ва симбиотик фаоллигини муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Биринчи ва иккинчи вариантда (мош ва соя) дон ҳосили 12,4 ва 13,7 ц/га эришилди.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Хоразм воҳасининг чўл зонаси шароитида дуккакли-дон экинларни етиштиришда сарф ҳаражатларни барқарорлаштириб минерал ўғитларни тежаган ҳолда ҳосилдорликнинг кескин ортиши исботланган.

Нитрагинизация кўп меҳнат ва моддий сарф-ҳаражатларни талаб этмайди, аммо бунда ҳосилдорлик ва уруғлар таркибидаги оқсил миқдори ортиши аниқланган. Бунда ҳосил структураси кўрсаткичлари яхшиланди ва 15-16 ц/га атрофида оқсилга бой ва парҳезбоп дон ҳосилига эришилди. Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги деградацияга учраган чўл тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимида дуккакли-дон экинларини киритиш орқали деградацияга учраган тупроқларни қайта тиклаш, тупроқ унумдорлигини кўтариш ва тупроқ тузилишини яхшилаш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконияти ортади.

Шундай қилиб, тежамкор муносабат ва ернинг унумдорлигини сақлаш ва ундан илмий асосланган ҳолда фойдаланиш агроэкологияни ривожлантиришда, ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ер нафақат ишлаб чиқариш фаолияти объекти сифатида, балки биосферанинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида ҳам аҳамиятлидир. Тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳар қандай давлатни оптималлаштириш ва барқарор ривожлантиришнинг стратегик вазифасидир.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган “Ўзбекистон чўл зонасида дуккакли экинларни тупроқ унумдорлик ва маҳсулдорлигига таъсирини экологик баҳолаш” мавзусидаги диссертация бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагилар тақдим этилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Жанубий Оролбўйи ҳудудида деградацияга учраган чўл тупроқларида алмашлаб экиш тизимида дуккакли-дон экинларини киритиш асосида агроценозларнинг шўрланган тупроқларга нисбатан адаптив потенциални ошириш, суғориш ва табиий намлик шароитида фитомелиорация қилиш имкониятини яратиш билан изоҳланади;
2. Дуккакли-дон экинлар ривожланишининг ўсув фазаларида тупроқдаги озик моддалар миқдори тупроқнинг таркибига ва иқлим шароитларига боғлиқлиги аниқланди. Сувни сақлаш қобилияти ва ҳосилдорлик орасидаги корреляция коэффиценти $r=0,62$ ни ташкил этди;
3. Хоразм вилояти шароитида дуккакли-дон экинларни замонавий усулда етиштиришда биопрепаратни қўллаш ва сарфланадиган ҳаражатларни камайтириш Ўзбекистон агросаноат мажмуаси ўсимликшунослик соҳасида рентабелликни кескин ошишига ҳамда агроценозларда экологик ҳолатни яхшилашга олиб келиши билан изоҳланади;
4. Ўзбекистон чўл зонасидаги ўрганилаётган тупроқларда дуккакли-дон экинларни етиштириш уларнинг тупроққа бўлган агроэкологик хусусиятлари, тупроқ гумус миқдorigа таъсири ўрганилаётган экинларнинг биологик қайта тиклаш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида асосий экологик омил ҳисобланади. Соянинг ривожланиш даврларида тупроқдаги ҳаракатчан азот миқдорини ортиши аниқланди, корреляция коэффиценти $r=0,864$ ташкил этди;
5. Агроценозларда тупроқ унумдорлигини экологик ҳолатини баҳолашда, экологик мониторинг дастурини ишлаб чиқишда дуккакли экинлардан биоиндикатор сифатида фойдаланиш тавсия этилади;
6. Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги деградацияга учраган ерларни оптималлаштириш ва экологик тоза, ҳавфсиз маҳсулот етиштириш учун такрорий экин сифатида қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида дуккакли-дон экинларини киритиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.02/30.12.2019.В.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

БАБАДЖАНОВА ШИРИН КАДАМОВНА

**ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ БОБОВЫХ КУЛЬТУР НА
ПРОДУКТИВНОСТЬ И ПЛОДОРОДИЕ ПОЧВ В УСЛОВИЯХ
ПУСТЫННОЙ ЗОНЫ УЗБЕКИСТАНА**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус -2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/B455

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.aknuk.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Асенов Гаппар Асенович**
доктор биологических наук, профессор

Халманов Нурали Тошкuvatович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.02/30.12.2019.B.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан: «_____» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «_____» от «_____» _____ 2020).

Аимбетов Нагмет Каллиевич

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, академик, д.э.н., профессор.

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, PhD б.н.

Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире антропогенная деградация агроэкосистем в условиях повышенной агрогенной и техногенной нагрузки является актуальной проблемой экологии. Интенсификация сельскохозяйственного производства обуславливает необходимость научно обоснованных решений для экологически рационального землепользования с учетом снижения деградации почв, имеющее большое научное и практическое значение. В этом отношении особый интерес представляет изучение возможности использования севооборотов с короткой ротацией при выращивании бобовых культур для повышения продуктивности и улучшения экологического баланса агроэкосистем.

В ведущих научных центрах в мире проводятся исследования по повышению плодородия засоленных деградированных почв и получению качественного урожая путем использования экологически безопасных высокоэффективных биологических методов. Это, в свою очередь, требует разработки оригинальных экспериментальных данных по восстановлению плодородия засоленных почв методами эффективного включения бобовых культур в полевые севообороты, их влияния на показатели плодородия почвы и продуктивности возделываемых культур.

В республике проводятся широкомасштабные работы по решению проблем сохранения плодородия почв, восстановления и повышения продуктивности деградированных ландшафтов, основывающиеся на использовании закономерностей адаптивной стратегии продукционного потенциала, естественной средообразующей и средооптимизирующей функции растений разной экологической специализации. Исходя из вышеуказанных задач, разработка эффективных методов сохранения, повышения плодородия почв и рационального использования земельных ресурсов в регионе Южного Приаралья имеет важное научно-практическое значение.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы подчеркивается: «...развитие и интенсификация сельскохозяйственных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики»³.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», В Постановлении Президента Республики Узбекистан УП-2832 от 14 марта 2017 года «О мерах по увеличению посева сои и организации возделывания сои в республике на

¹Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

